



# ТОШКЕНТ

# ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 5 апрель, шанба

№28 (11.519)

Эркин нархда сотилади

## Анжуман

Илгари хабар берилганидек, мамлакатимиз пойтахтида муҳим халқаро воқеа — Европа тикланиш ва тараққиёт банки бошқарувчилар кенгашининг XII йиллик йиғилиши ўтказилади.

## ИНВЕСТИЦИЯЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНиятлар



Evropa  
Tiklanish va Taraqqiyot  
Banki

Катта аҳамиятга эга бўлган бу анжуманга республика-мизда қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Йиғилишни ўтказиш учун Тошкентнинг танла-ниши жаҳондаги энг нуфузли банклардан бири бўлган ЕТБнинг бу ҳудуд мамлакат-ларида самарали фаолият сиёсатини амалга ошираёт-ганлигининг ёрқин далолати-дир.

Шу муносабат билан Мил-лий матбуот марказида ом-мавий ахборот воситалари ходимлари учун анжуманлар уюштирилмоқда. Унда йиғи-

лишга тайёргарлиكنинг бори-ши юзасидан республика-миз халқ хўжалигининг етакчи тармоқлари раҳбарлари тур-ли мавзуларда чиқиш қил-моқдалар. Куни кеча шундай анжуманларнинг бири бўлиб ўтди. Унда Республика Бош вазирининг ўринбосари, Ташки иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Э. Ганиев «Бевосита хорижий инвести-цияларни жалб этишнинг янги имкониятлари» мавзуси-да маъруза қилди.

Йиғилишда таъкидланган-идек, Европа тикланиш ва тараққиёт банки бошқарув-чилар кенгашининг XII йил-лик йиғилишини Тошкентда ўтказиш билан унинг раҳба-рияти Марказий Осиё мам-лакатларининг улкан инве-стицион салоҳиятига халқаро жамоатчилик, биринчи нав-батда банклар ва молия ин-ститутларининг эътиборини жалб этиш тарафдори экан-

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## 2003 йилнинг 1 майидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида

Республика аҳолисининг турмуш даражасини янада ошириш ва фуқароларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш мак-садида:

1. 2003 йилнинг 1 майидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсия-лар ва ижтимоий нафақалар, олий ўқув юртлари талабаларининг, ўрта махсус, касб-хунар билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,20 баравар оширилсин.

2. 2003 йилнинг 1 майидан бошлаб Ўзбекистон Республика-си ҳудудида энг кам: иш ҳақи — ойига 5440 сўм; ёшга доир пенсиялар — ойи-га 10765 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 5440 сўм;

болаликдан ногиронларга бе-риладиган нафақа — ойига 10765 сўм;

зарур иш стажига эга бўлма-ган кекса ёшдаги ҳамда меҳнат-га лаёқатсиз фуқароларга бе-риладиган нафақа — ойига 6520 сўм миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча тур-лари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалик оилаларга бериладиган нафақа-

лар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенса-ция ва бошқа тўловлар 2003 йил 1 майдан бошлаб мазкур Фар-монда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва-зирликлари, идоралар, Қорақал-поғистон Республикаси Вазир-лар Кенгаши, вилоятлар ва Тош-кент шаҳри ҳокимликлари, бюд-жетдан молияланадиган ташки-лот ва муассасалар билан бир-галикда мазкур Фармон қоида-ларидан келиб чиққан ҳолда пен-сиялар, нафақалар, стипендия-лар ҳамда бюджет муассасала-ри ва ташкилотлари ходимлари-нинг мансаб маошлари миқдо-рини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласинлар.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши

билан боғлиқ харажатлар рес-публика Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги кор-хона ва ташкилотлар ишлаб чи-қариш самарадорлигини оши-риш ҳамда меҳнат сарфини ка-майитириш, шунингдек жорий йилнинг 1 январидан бошлаб даромад (фойда)дан олинадиган солиқ 24 фоиздан 20 фоизга, давлат ижтимоий сугуртасига мажбурий ажратмалар меҳнат ҳақи фондининг 40 фоизидан 37,2 фоизига камайитирилганли-ги муносабати билан бўшайди-ган маблағларни мана шу мақ-садларга йўналтириш ҳисобидан 2003 йилнинг 1 майидан бош-лаб иш ҳақини мазкур Фармон-да белгиланган энг кам иш ҳақи миқдorigа мувофиқ оширсин-лар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 1 июлдаги ПФ-3101-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоб-лансин.

8. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2003 йил 2 апрель.

## Вилоят ҳокимининг қарори қандай бажарилмоқда?

Хизмат сафари билан Олмалик томон йўл олдик. Автобусда борар эканмиз, гапимиз гапимизга тўғри келди шекилли, ҳай-довчи билан йўл-йўлакай суҳбатлашиб кетдик.

## ОЛМАЛИҚДА НОХУШ МАНЗАРА

— Ука, олмалиқлик эмасга ўхшайсиз-а?  
— Ҳа, таҳририят топшириғи билан кетаётувдим.  
— Журналистмисиз?  
— Шундай.  
— Эҳ, — деди-да, нима учун-дир ҳайдовчи узоқ хўрсиниб қўйди. — Олмалиқдан дилингиз хира бўлиб кетмаса бўлди...  
— Нима учун бундай деяп-сиз?

— Асли мен ўша ерданман, — деди ўзини Абдуҳалил дея таништирган ҳайдовчи. — Кўрпасой маҳалласида яшай-ман. Укам, билмадим, сиз Ол-малиқнинг қай жиҳатини мақо-ла қилмоқчисиз, аммо бугун ҳеч



иккиланмай, шаҳар ахлатхона-га айланиб қолган дейиш мум-кин. Балки, менинг сўзларимга ишонмассиз, ҳозир борсак, ўзингиз гувоҳ бўласиз.

(Давоми 2-бетда).

## ХОНАДОНЛАРДА «ЗАНГОРИ ОЛОВ»

Шу кунларда Паркент туман-ни Қорақалпоқ кишлоғи аҳолиси яна бир қўлайликка эга бўлди.

Чунончи, Янги Ҳаёт кўчасининг 70 дан ортиқ хонадони табиий газ билан таъминланди. Туман уй-жой кооператив бўлими қурилиш-монтаж бригада-си ишчилари 1,8 километрлик масофага газ қувурлари тортдилар.

Мана шундай хайрли иш Қўллича маҳалласида ҳам амалга оширилди. Жумладан, бу ҳудудда 1,5 километрлик газ қувурла-ри тортилиб, 30 дан ортиқ хонадонга уланди.

Бу ишлар жараёнида «Вилоятгазтаъминот» корхонаси хонадонларни газ ўлчагич ускуналари билан тўлиқ таъминлади.

Ўз мухбиримиз.

## Фармон ва ижро

## ЧИНАКАМ ФЕРМЕР БЎЛСАНГ

нзланиш, ўрганишдан эринма, ернинг  
ҳақиқий соҳиби бўл

Яқинда Тошкент туманида бўлиб, кишлоқ хўжалиги меҳ-наткашларининг, хусусан, чор-вадорларнинг Президентимиз-нинг «Кишлоқ хўжалигида ис-лохотларни чуқурлаштириш-нинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони хусуси-да мутасаддилар, айрим фер-мерлар билан суҳбатлашдим.

Агар тан-жонинг соғ бўлса, билагингда куч-ғайратинг жўш уриб турса, ўзинг танлаган со-ҳанг, касбинг бўйича қониқиш ҳосил этиб ишлайдиган замон келди.

— Тўғри айтасиз, — дейди туман фермерлар уюшмаси раиси Абдуфаттоҳ Азизов. — Сиз тилга олган Фармоннинг эълон қилиниши эса айнаи муд-

дао бўлди. Фермерлар учун янада кенг имкониятлар яра-тиб берилди. Оддий бир ми-сол. Шу пайтгача фермерлар-га бериб қўйилган ер майдон-лари хўжалик ҳисобида эди. Ширкат хўжалиги турли баҳо-наларни рўқач қилиб, хоҳлаган пайтда ерни олиб қўйиши мум-кин бўларди. Янги Фармон бўйича эса, ер хўжалик балан-сидан чиқарилиб, узоқ муддат-га фермернинг ихтиёрига ўтка-зилади. Тирикчилиги, келажак-и ер билан бўладиган фер-мер учун бу гоё катта аҳамия-тга эгадир. Энди у ернинг ҳақиқий хўжайиниман, деб ҳисоблайди ўзини. Демак, бун-дан буён фермерларнинг қиш-

(Давоми 3-бетда).

# ИНВЕСТИЦИЯЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

лигини намойиш қилмоқда. Минтақада йирик ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган Ўзбекистон Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун кафолат бўлиб хизмат қилади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Республикаимизга хорижий инвестицияларни кириб келиши тобора ортиб бормоқда. Биргина ўтган йили унинг умумий ҳажми 650 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилда эса, бу ҳажмининг янада кўпайиши кутилмоқда. Бўлиб ўтадиган тарихий йиғилиш ҳам шунга хизмат қилади. Чунки у, мамла-

катимизда ва умуман Марказий Осиёда савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорликни ривожлантириш, 60дан ортиқ мамлакатнинг ишбилармон доиралари ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш, банклараро ҳамкорликни кенгайтириш, республикаимиз иқтисодиётига янги инвестицияларни жалб қилиш учун кўшимча имкониятларни яратди.

Анжуманда оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган барча масалалар бўйича атрафлича жавоб олдилар.

**Мирсобир МИРҲАМИДОВ,**  
«Тошкент ҳақиқати»  
мухбири.

Шаҳарга етиб келдик. Автобусдан тушдим-да, Ойдин бозорига кирдим. Ҳамма жой саранжом-саришта, теварак-атроф ҳам чиннидек. У ердан кўнги тўлди. Аҳоли турар-жойларида нима гап экан? Агар у ерлар ҳам ана шундай озода бўлса, ҳайдовчи айтган гаплар ёлғон бўлиб чиқади, деб ўйладим.

Бозор яқинидаги Ойдин мавзеига йўл олдик. У ерда ҳам кўча юзлари рисоладагидек. Аммо, кўп қаватли уйларни ораб ичкарироқ кириб борганимиз ҳамонроқ, қўланса ҳид димоққа урила бошлади. Бироз нарида уюм-уюм бўлиб ётган ахлат ва чиқиндилар учрай бошлади.

Юз метрча четроқдаги панжара билан ўралган майдонда болалар футбол ўйнашар эди. Йўл-йўлакай кетаётиб бир болақайдан у ер қандай жой эканлигини сўрадик. 17-мактаб экан. Икки қаватли бино ташқаридан қараган кишига эгасиз хувиллаб ётганга ўхшарди. Унинг орқа ва ён тарафларидаги деразаларнинг аксарият ойналари синиб кетган. Ромлар плёнка ёки картон қоғозлари билан тўсиб қўйилганди. Улар ҳам шамолда йиртилиб, осилиб-лопиллаб ётибди. Бу мактаб биносидан қандай қилиб ўқувчилар билим олишади, ҳайронман.

Шу ердаги уйлардан бирида яшовчи Фотима Бўтаева билан суҳбатлашиб қолдик. У на мактаб, на мавзедаги кўп қаватли уйларда иситиш тизими бир неча йилдан буён ишламаслигини айтди. Қиш кунларида аҳоли қўлбола иситиш мосламалари билан жон сақлашар экан.

Қизиқ, кўча юзида бошқа ҳолат, панароқ ерларда эса бундай манзара. Шаҳарнинг бошланишидан аҳвол шундай бўлганидан кейин бошқа маҳаллаларда нима гап экан?

Шу саволга жавоб излаб, шаҳар бўйлаб катновчи троллейбусга чиқдик-да, Амир Темиров кўчасида жойлашган кинотеатргача етиб олдик. Буни қарангки, бу ердаги аҳвол аввалгисидан ҳам ўтиб тушди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кинотеатр рўпарасида, кўчанинг нариги тарафида сотувчиларнинг ўзлари ташкил этган бозорча бор. Унинг ичи ва атрафи ҳамда йўл четидаги ариқда тўпланиб ётган чиқинди уюмлари кўнгилини ағдарадиган даражада. Аммо, ҳеч ким пинагини ҳам бузмайди. Гўё ҳамма бунга кўникиб кетгандек.

## ОЛМАЛИҚДА НОХУШ МАНЗАРА

Кўчанинг икки тарафидаги кўп қаватли уйлар орасига кирсангиз ҳам ахлат уюмларига қоқиласиз.

Рўпарамиздан келаётган, чамаси 18-20 ёшлардаги қиз билан суҳбатлашамиз.

— Кечирасиз, олмалиқликмисиз?

— Йўқ, мен асли пскентликман, Ойдиндаги ательега қатнаб ишлайман, — деди Феруза Мофиқова.

Ундан шаҳар ҳақидаги фикрларини сўрадик.

— Анчадан буён Олмалиқни биламан. Сиз айтган ахлат уюмларини ҳар қадамда учратиш мумкин. Фақатгина марказий кўчалар, кўзга ташланадиган жойларгина тозалаб, саранжомлаб қўйилиши мумкин. Аммо, четроққа ўтсангиз, бундан ҳам баттарроқ манзараларни кўрасиз.

Ипак йўли кўчасида яшовчи Шаҳноза Умарова ҳам бу фикрларни тасдиқлади.

Унинг айтишича, бундай ноҳуш ҳолатларга юқорида ўтирганлар ҳам панжа орасидан қарашади. Тегишли ташкилотлар эса бундан фойдаланишади.

Сафаримизни давом эттирамиз. Туркистон кўчасида жойлашган деҳқон бозоридамиз. Шундай катта бозорда бор-йўғи

10-15 чоғлик сотувчи савдо қилаяпти. Бозор атрофининг эса, ахлатхонадан фарқи йўқ. Писта пўчоқлари ёйилиб ётар, дарвоза олдида сигарета қолдиқларию бошқа чиқиндилар тўпланиб қолган.

Шу кўчада жойлашган 13-уй ёнидамиз. Бир чеккада 80 ёшларни қаршилаган отахон

ўтирар эдилар. Ўзларини Миржалол Мирхалилов деб таништирдилар. У киши ҳам 13-уй ҳеч қачон исимаслигидан шикоят қилиб қолдилар. Сўрайман:

— Ҳеч қаерга мурожаат қилмаганмисизлар?

— Борганмиз, фойдаси бўлмаган.

— Бирон-бир ташкилотдан ёки ҳокимликдан келиб хабар олишганми? Сизлар билан учрашиб, чорасини кўришмадими?

— Эй, болам-а, — деди отахон мийиғида кулиб. — Ҳозир ҳамма ўзи билан ўзи овора. Биз билан кимнинг неча пулли иши бор? Хов анови ёққа ўтсангиз, кўнглингиз айнийди, — деди кўли билан уйнинг нарироқ тарафини кўрсатиб.

Миржалол ота кўрсатган томонга бироз юриб, қўланса ҳид таратиб ётган ахлатхона устидан чиқдик.

Ана шу 13-уйда яшовчи ўсмир Ҳусан Қўшбоев билан суҳбатлашиб қолдик. Ўсмир бу ерда болаларнинг ўйнашлари, спорт билан шуғулланишлари учун ҳеч қандай шароит йўқлигини айтди. Уй олдида ажратилган жой эса, талабга асло жавоб бермайди. Қизиги шундаки, ана шу жойда болалар ўйнашса, ҳамма уларни қувиб солади.

Тошкентдаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида "Interfood Uzbekistan-2003" учинчи халқаро кўргазмаси очилди.

## ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАМОЙИШ ҚИЛИНАЯПТИ

Унда 12 давлатдан 30 дан ортиқ компания ўзи ишлаб чиқараётган озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, ярим тайёр маҳсулотлар, саноат асбоб-ускуналари, қадоклаш технологияси, музлатгич асбобларини намойиш этмоқда.

Мамлакатимизда озиқ-овқат саноатининг кўплаб тармоқлари изчил ривожланмоқда. Маҳсулотларни қайта ишлаш технологияси тармоғи эса озиқ-овқат саноатининг муҳим тар-

моғи ҳисобланади. Республикаимизда ҳўл мевани қайта ишлаш, гўшт-сут, қандолат, нон ҳамда макарон маҳсулотларини тайёрловчи кўплаб корхоналар ишлаб турибди. Бундан ташқари, тамаки ва вино ишлаб чиқариш соҳасига ҳам кенг ўрин берилган. Кўргазмада чанқовбосди ичимликлар, маъданли сувлар, турли хилдаги шарбатлар намуналари намойиш этилмоқда.

Ў.А.



айланиб, жуда кўп олмалиқликлар билан суҳбатлашиб, улар айтган анчагина фикрлар, муаммоларни ён дафтарга қайд этдик. Аммо уларнинг ҳаммасини ҳам қоғозга туширишни эп кўрмадик. Аслида, бизнинг мақсадимиз шаҳарда вилоят ҳокимининг ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ойланини ўтказиш тўғрисидаги қарори ҳамда «Обод маҳалла йили» муносабати билан ишлаб чиқилган дастур ижросини таъминлаш йўлида жойларда, кўп қаватли уйларда, корхона ва ташкилотларда қилинаётган ишларни ўрганиб, ёритиш эди. Афсуски, шаҳар ҳокимлиги ва бу ишларга мутасадди бўлган идора, ташкилотлар бош кўча юзларини супуриб-сидириб, саранжомлагандек бўлишибди-ю, шаҳарнинг ичкарироғига киришга «вақт»лари бўлмабди.

Шу ўринда масаланинг яна бир томонини ҳам айтиб ўтмасак бўлмас. Гап ана шу кўп қаватли уй-жойларда яшаётган олмалиқлик фуқароларнинг лоқайдлиги, бефарқлигида. Акс ҳолда улар ўз ҳудудларини бунчалик ахлат уюмларига «кўмиб» ташламаган бўлур эдилар.

Ҳар ҳолда Олмалиқда ана шундай ноҳуш манзара. Унинг фаззини, тароватини сақлаш ва тиклаш учун ҳаракат қилиш керак. Зора, газетамиз чиқишидан кейин шаҳар ҳокимлигидаги «катта»лар вилоят ҳокими томонидан қабул қилинган қарорнинг ижросини таъминлаш йўлида бу ишларга бош-қош бўлсалар...

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ,**  
«Тошкент ҳақиқати»нинг  
махсус мухбири.

## МУАММОЛАР ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Ҳаётнинг ўз қонун-қоидалари бор. Шу туфайли у ҳаммиса бир меъёрга силлиқ ўтавермайди. Агар бу муаммолар иссиғида, ўз жойида ҳал этилса, аризабозлар, шикоятчилар кескин камайиши турган гап.

Тошкент тумани раҳбарияти кейинги пайтларда бу масалага алоҳида аҳамият бермоқда. Ҳокимлик ташаббуси билан «Чувалачи», «Кўктерак», «Масалбой», «Қизгалдоқ» фуқаролар йиғинлари аҳолиси билан юзма-юз учрашувлар, мулоқотлар бўлиб ўтди. Бу учрашувларда ҳокимликнинг бўлимлари, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари иштирок этдилар. Аҳолининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқилди. Уларнинг таклиф-истаклари ўрганилди. Натижада газ, сув, электр таъминоти билан боғлиқ айрим муаммоли масалалар ўша жойнинг ўзида ҳал этилди. Қишлоқ йўлларини тартибга солиш, муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш юзасидан зарур чоралар белгиланди.

Бундай юзма-юз учрашувлар ўзининг ижобий самарасини бера бошлади. Ҳокимликка, бошқа идора, ташкилот, корхоналарга шикоят-аризалар билан келувчилар сони аста-секин камая бошлади.

— Биз бу соҳадаги ишларни давом эттирамиз, — деди туман ҳокими Сайфулла Темиров, — зеро, халқимизнинг фикри-зикри илоҳотларни жадаллаштириш, олдимизда турган долзарб вазифаларни ҳал этишга қаратилгандир.

Н. ИСАЕВ.

## УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО ЯРМАРКАСИ

Янгийўл шаҳридаги «Мадина» ресторани биносидан 2003 йил 7-13 апрель кунлари вилоятнинг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи йирик саноат корхоналари, ўрта ва кичик бизнес объектлари, «Маҳаллий саноат», «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзбекчармпойабзал», «Ўзбекипаги» республика уюшмалари ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар барча савдо корхоналари (савдо-акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, хусусий фирмалар, якка тадбиркорлар) иштирокида улгуржи савдо-ярмаркаси ўтказилади.

**МАНЗИЛ:** Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 145-уй, «Мадина» ресторани биноси.



## Сакура — дўстлик, уйғониш рамзи

*Ўзбекистонлик бир гуруҳ ёшлар Кунчиқар мамлакатда "Марказий Осиё давлатлари ва Япония ёшлари дўстлиги" мавзусида ўтаётган дастур-да иштирок этмоқда.*

Дастурнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар Президентимиз Ислам Каримовнинг ўтган йили Японияга расмий ташрифи ва мазкур сафар асосида имзоланган ҳужжатлар ўзаро ҳамкорлик алоқалари ривожининг янги палласини бошлаб берганини таъкидлашди. Ўзбекистонлик бир гуруҳ ёшларнинг уйғониш, юксалиш фасли дарахчиси — сакура дарахти гуллаган даврга тўғри келган дастурда фаол иштирок этаётгани эса мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари ривож топиб бораётганидан далолатдир.

Япониялик ёшлар билан ўтказилган учрашувда юртимиз вакиллари Ўзбекистоннинг қадимий тарихи, қадриятлари ҳамда мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб бердилар.

(ЎЗА).

*Ўтган йили Жанубий Африка Республикасининг Йоханнесбург шаҳрида барқарор ривожланиши бўйича Бутунжаҳон саммити бўлиб ўтган эди.*

## БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН

Унда мустақил республикамиз вакиллари ҳам қатнашиб, анжуман кун тартибидagi масалаларни муҳокама қилишда иштирок этдилар ҳамда мамлакатимизда таркиб топган экологик аҳвол ҳақида ахборотлар билан чиқдилар. Саммитда қурраи заминимизда атроф-муҳитнинг муҳофазасини таъминлаш юзасидан қарорлар қабул қилинган эди. Бу қарорларни Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиёда амалга ошириш, бу ҳудудда барқарор шароитларни шакллантиришга қаратилган давлат ва фуқаро тузилмаларининг куч-ғайратини, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг ижтимоий-иқтисодий ва экологик дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш мақсадида халқаро «Эко-сан» жамғармасининг барқарор ривожланиш бўйича комиссияси тузилди. Куни кеча унинг кенгайтирилган биринчи йиғи-

лиши бўлиб ўтди. Унда республикамиздаги қатор вазирликлар, нодавлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар. Анжуманда таъкидланганидек, Йоханнесбург саммити инсонлар ҳаётини яхшилаш, бунинг учун биринчи навбатда атроф-муҳитни муҳофаза қилишни кучайтиришга даъват этади. Унинг иши давомида сув таъминоти, энергетика, соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги ва биохилмаҳиллиқни сақлаш каби соҳаларда фаолиятни кучайтириш юзасидан кенг қамровли шартномалар тузилди. Уларнинг айримлари Марказий Осиё ва хусусан, Ўзбекистонимизга ҳам тааллуқлидир. Жумладан, Европа Иттифоқи «Ҳаёт учун сув» ташаббуси билан чиқиб, сув таъминоти соҳасида асосан Африка ва Марказий Осиё олдида турган вазифаларни ҳал қилиш учун фаол қатнашишини билдирди.

## Экология



АҚШ эса, уч йил давомида сув таъминоти ва санитария соҳасидаги лойиҳаларга 970 миллион доллар ажратишини эълон қилди. Халқаро молия ташкилотлари, ривожланган мамлакатлар, биринчи навбатда АҚШ энергетика, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш бўйича ишлар ва лойиҳаларга жуда катта маблағлар йўналтирмоқчи.

Шу йилнинг май ойида Киевда табиатни муҳофаза қилиш вазирларининг «Европа учун атроф-муҳит» жараёни доирасида бўлиб ўтадиган 5-умумевропа конференциясига тайёргарлик ишлари изчил олиб борилмоқда. Унда Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиё (ВЕКЦА) учун экологик стратегиянинг қабул қилиниши назарда тутилмоқда. Шубҳасиз бу ҳужжатда шу минтақа экологик аҳволини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар белгиланиши, лойиҳалар учун маблағлар ажратилиши кутилмоқда.

Собир ҲАМИДОВ.

## «ВАТАНПАРВАР» МАҲАЛЛАДА

*Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши «Обод маҳалла йили» муносабати билан маҳаллаларда ўзининг бошланғич ташкилотлари ишини намунали йўлга қўймоқда.*

Йил бошидан буён шаҳар ва туманларда қирққа яқин ана шундай ташкилотлар иш бошлади.

Бекобод туманида бўлиб ўтган тадбир ҳам маҳаллаларда «Ватанпарвар» ташкилотининг ёшлар тарбияси ва уларни касбга йўналтиришдаги ролини оширишга қаратилди.

Маҳалла оқсоқоллари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган ушбу тадбирда туман маҳаллаларида, корхона ва ташкилотларда ҳамда ўқув муассасаларида бошланғич ташкилотлар ишини жонлантириш, бундан буён ёшлар тарбиясида ҳар доим ҳамкорликда иш юритишга келишиб олдилар.

Ўз мухбиримиз.

лоқ хўжалиги ишлаб чиқаришга қўшадиган ҳиссаси яна ҳам баракали ва салмоқли бўлиб бораверади.

— Ростини айтинг, — деб сўраймиз Абдуфаттоҳ акадан. — Фермерларнинг айна пайтда қишлоқ хўжалиги ривожига қўшаётган ҳиссасидан ўзингизнинг кўнглингиз тўла-яптими?

Абдуфаттоҳ ака бироз ўйланиб қолади. Эҳтимол, у ўзича эришилаётган кўрсаткичлар, рақамларнинг мағзини чақаётган ва йўл қўйилаётган айрим камчиликларнинг туб сабаблари тўғрисида мулоҳаза юритаётгандир? Тагин, ким билади дейсиз.

— Ҳар ҳолда аҳволни анча яхши десам янглишмайман, — дейди у. — Гапим куруқ бўлмаслиги учун мисоллар келтирай. Туман бўйича фаолият юритаётган 75 га яқин фермер хўжаликларининг 30дан ортиги чорвачиликка ихтисослашган. Уларда 1537 та қорамол, шу жумладан, 463 та сигир боқилмоқда. Фермерлар ўтган йил якуни бўйича 1005 тонна сут етиштирдилар (бу ҳисобга 3 та хусусийлашган ферма кирмайди). Ҳар бир соғин сигирдан олинган сут ўрта ҳисобда 2400 килограммданга тўғри келди.

— Ҳар бир соҳанинг ўз етакчилари, илғорлари бўлади.

— Бўлмасачи, — дейди Абдуфаттоҳ ака. — Фиёс Умаров номли ширкат хўжалиги ҳудудда меҳнат қилаётган Жўра ака Маҳаматов бошлиқ бўлган фермер хўжалиги фаолияти бунга ёрқин мисолдир. Тўғри, айримлар назарида у тайёр фермани сотиб олган, лекин бундай деб фикрлаш нотўғри. Яширишнинг ҳожати йўқ. Тайёр фермани сотиб олиб, уни ривожлантириш ўрнига инқирозга учратиш, барбод қилганлар ҳам бўлди-ку. Жўра

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ЧИНАКАМ ФЕРМЕР БЎЛСАНГ


**изланиш, ўрганишдан эринма, ернинг  
ҳақиқий соҳиби бўл**

ака белкурак ушлаб, ферманинг пасти-баландини яхши билган ҳолда меҳнат қилиб келганлиги учун ҳам бу ферманинг илгариги шухратига шухрат қўшиш учун курашди, ўтган йиллар давомида мол бош сонини кескин кўпайтирди. Зотини яхшилади, маҳсулдорлигини оширди. Айна кунларда фермада ҳар бош соғин сигирдан 3 минг килограммдан ошириб сут соғиб олинмоқда. Энг муҳими, у даромаднинг бир қисмини ферма биноларини таъмирлаб, янгиларини қуриш, иссиқхона ташкил этиш, фермада ишловчиларнинг турмуш шароитини ҳар жиҳатдан яхшилашга сарфламоқда.

— Мен буни яхши биламан, бир вақтлари Жўра аканинг тажрибаси ҳақида ёзганман. Лекин менга эриш туюладиган нарсаси шуки, қаердан келиб, илғор фермерлар ҳақида сўрасалар фақат Жўра ака номи тилга олинади, у дас-так қилиб кўрсатилади. Наҳотки, Жўра аканинг издошлари бўлмаса?!

Сўхбатдошимиз кулиб қўяди.

— Нега бўлмас экан, — дей-



ди у. — Мана, Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги ҳудудда фаолият кўрсатаётган Насрулла Абдуллаевни олайлик. У бундан тўққиз йил илгари фермерликни ихтиёр этди. 7 гектар ер олди. Ишни йўқдан бошлади. Дастлаб 20 бош мол боқа бошлади. Ҳозир уларнинг сони 40 дан ошиб кетди. 10 таси соғин сигир. Бу сигирларнинг ҳар биридан кунига 13-14 литрдан сут соғиб олинмоқда.

— Ҳали қиладиган ишларим кўп, — дейди Н.Абдуллаев. — Кенгроқ қулоч ёзсак, кўпроқ арзон ва сифатли маҳсулот етиштириб, эл-юртимга хизмат қилсам дейман. Шу мақсадда 120 бошга мўлжалланган янги молхона мажмуасини қуриб ишга туширмоқдаман. Келгусида бу ерда фақат насли говмушлар боқилади.

Мен туманда ана шундай олижаноб мақсадни кўзлаб меҳнат қилаётган фермерлар сафи кенгайиб бораётганлигини эшитдим. «Сотиболди Жўраев», «Шанбас», «Баҳром ота», «Раҳмдил» фермер хўжаликлари олиб бораётган ишлар, улар эриш-аётган кўрсаткичлар бунга мисол.

Лекин, афсуски, мавжуд фермер хўжаликларининг ҳаммаси ҳам самарали фаолият кўрсатяпти, деб айтолмаймиз. Баъзи фермер хўжаликлари кўпдан буён бир жойда депсиниб турибди. Айримлари эса, мутлақо орқага кетган. «Абдусаттор» фермер хўжалиги янги ташкил этилганда, унинг раҳбари билан суҳбатлашган эдим. Фермернинг ниятлари, режалари катта бўлиб, баъзи бир хайрли ишларни бошлаб юборган эди. Лекин бу ишларнинг кўпи охирига етмади, ярим йўлда қолиб кетмоқда. Нега? Назаримда, унинг фаолиятида қатъиятлик, дадиллик етишмаяпти. «Феруза», «Маъмуров», «Шокарим ота», «Замин саховати» сингари фер-

мер хўжаликлари ҳам ўзларига боглиқ ва боглиқ бўлмаган сабабларга кўра ҳамон қадларини баланд кўтариб юра олмаётдилар. Уюшма раҳбарлари, ходимларининг айтишига қараганда, уларнинг иши, фаолияти ўрганилиб, таҳлил этилиб, зарур чора-тадбирлар кўрилар эмиш. Лекин, бундай таҳлиллар илгарироқ амалга оширилганда, фермер хўжаликлари ҳозиргидек ночор аҳволга тушиб қолмасмидилар?.. Бунга яна кўплаб мисолларни келтириш мумкин. «Фолиба» фермер хўжалигини олайлик. «Тошкент» ширкат хўжалигининг дурустгина фермаси базасида ташкил этилган бу фермер хўжалиги қўлдан-қўлга ўтавериш, тутдай тўкилиб бормоқда. Бошқа фермер хўжаликлари ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Хулоса шуки, туманда фермер хўжаликларининг яна бир бор сарагини саракка, пучагини пучакка чиқарадиган пайт келганга ўхшайди.

Яхши биламиз. Мустақилликка эришганимиздан буён мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Юртбошимиз истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ соҳа келажигини фермер хўжаликларида кўраман, деб айтганида нафақат, деҳқонларимизнинг бугуни, балки эртасини ҳам яққол тасаввур этганликлари аён. Шундай экан, янги Фармон асосида мавжуд имкониятларни тўла ишга солиб, фермерчилик ҳаракатини ҳар жиҳатдан юксалтириш, ернинг ҳақиқий соҳибларини тарбиялаш ва юқори самарага эришиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Носир РИХСИЕВ,

«Тошкент

ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

## Dushanba

7

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.45 «Тахлилнома»  
8.45 ТВ маркет.  
8.50 «Камалак»  
Болалар учун кинодастур.  
9.25 «Умр мазмуни»  
9.45 «Бузоқча»  
Мультфильм.  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиларлар  
10.05 «Кўчатлар»  
Бадий фильм.  
11.30 Ўзбекистон Давлат миллий симфоник оркестрининг концерти.  
11.55, 15.25 ТВ анонс.  
12.05 «Фафлат»  
Теленовелла.  
«Болалар сайёраси»:  
12.45 1. «Санъат гўнчалари». 2. «Олтин тож»  
Телевизион уйин.  
13.40 Эстрада

тароналари.  
14.10 «Куюшқондан чиққанда». Бадий фильм.  
15.30 «Шахс ва жамият»  
15.50 «Қалб гавҳари»  
16.10 ТВ клип.  
16.20 «Камилла»  
Телесериал.  
16.50 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» – «Дўстлик» жамоалари учрашувидан репортаж.  
17.40 Халқаро саломатлик кунига.  
«Оламини асранг!»  
18.10 Мумтоз наволар.  
18.20 «Репортаж»  
18.25 «Япония: рухият ва макон». Хужжатли телесериал премьераси.  
19.10 «Мулқдор»  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақ-

лари.  
20.15 Биржа ва банк хабарлари.  
20.30 «Ахборот»  
21.05 2003 йил – Обод маҳалла йили.  
«Кўпчилик қаторида»  
21.25 «Бир жуфт кўшик»  
21.35 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Камилла»  
Телесериал.  
22.05 Кураш бўйича Ал-Хаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнир якунларига доир.  
22.45 «Ахборот-дайжест»  
23.05-23.10 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 Давр тонги.  
10.00 «Янги авлод» студияси: «Уй вазиаси», «Хар соҳага саёҳат», мультфильм.  
10.50 «Буюк ипак йўли. Бахши» («Ўзбектелефильм»)

11.10 «Давр»-news.  
11.30 Жаҳон жуғрофияси.  
12.20 Болалар экрани: «Сехрли аждар»  
Мультфильм.  
12.45 Жар ёқасида.  
13.00 «Имконият»  
Бадий фильм.  
14.15 Автосалтанат.  
14.30 «Рей Брэдбери театри». Сериал.  
14.55 Минг бир ривоят.  
15.00 «Давр» ҳафта ичида.  
15.30 ТВ-анонс.  
15.35 «Сени излаб»  
Телевизион бадий фильм.  
16.10 Ҳазил соғинчи.  
16.30 «Учинчи сайёра». Маърифий дастури.  
17.00 Кўрсатувлар дастури.  
17.05 «Янги авлод» почтаси.  
17.20 «Анпанман»  
Мультсериал.  
17.45 ТВ-анонс.  
17.50 Хива баҳори.  
18.05 Спорт ҳафтано-маси.  
18.20 Минг бир ривоят.  
18.25 Эрта сўнган

юлдузлар.  
18.45 Олтин мерос.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Озод юрт фарзандлари.  
19.55 Кўҳна оҳанглар.  
20.00 «Меҳр кўзда»  
Мактубларга шарҳ.  
20.20 Ёшлар овози.  
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар  
20.45 «Гвадалупе»  
Телесериал.  
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 ТВ-анонс.  
22.45 «Буюк Амир Темур»  
Бадий фильм, 1-қисм.  
23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.  
Танафус пайтида – 0.00 Давр.  
1.00-1.05 Хайрли тун!  
«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 ТТВда сериал.  
«Муҳаббат риштаси»  
17.55, 19.05, 21.50

«Экспресс» телегазетаси.  
18.15 Болажонлар экрани.  
18.30, 20.00, 21.10, 22.10 «Пойтахт»  
Ахборот дастури.  
18.50 «Спорт ва болалар»  
19.25 «Халқ саломатлиги йўлида»  
19.50 «Аво-news»  
20.25 ТТВда сериал.  
«Мафтунокор аёл»  
21.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам»  
22.35 Кинонигоҳ.  
«Фирибгарлар»  
0.05-0.10 «Хайрли тун, шаҳрим!»  
«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ  
6.30-8.00  
16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 «Мультисеанс»  
16.30 «Вести»  
16.45 «Дунё мамлакатлари»  
17.05 «Евроныйос»  
янгиликлари.  
17.25 К. Новикова шоуси.  
18.00 «Мени кутгил».

19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеуин.  
20.00 «Время»  
20.35 «Сунгги қаҳрамон-3»  
21.40 «Бизнес ревью»  
21.45 Кинематограф.  
«Аёллар учун»  
Бадий фильм.  
22.50 «Ахборот» (рус тилида)  
23.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-канал

16.55гача профикатика ишлари.  
16.55 Дастурнинг очилиши.  
17.00 «Мабрифи дастур»  
17.40, 20.45 «Телехамкор»  
18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Сержант Жонинг талқини»  
19.30 «Ошиқона» мусиқий дастури.  
19.45 «Химоя ҳуқуқи»  
Сериал.  
21.05 «Клип-совга»  
Телетабринома.  
21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»  
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Югудатган нишон»  
23.15 «30-канал»да спорт.

## Seshanba

8

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот»  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
9.00 «Соз сехри»  
9.20 «Адабий жараён»  
9.40 «Оламини асранг!»  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиларлар  
10.05 «Мулқдор»  
10.20 «Буланка меҳмонхонаси»  
Бадий фильм.  
11.55, 13.55 ТВ анонс.  
12.05 «Рангин дунё»  
12.25 «Эртақлар – яхшилик етаклар»  
13.25 Мусиқий танафус.  
13.35 «Кўпчилик қаторида»  
14.10 «Муносабат»  
14.50 Кундузги

сеанс: «Биринчи қалдирғоч». Бадий фильм.  
16.00 Болалар учун.  
«Кўшигим-жон кўшигим»  
16.25 «Камилла»  
Телесериал.  
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан»  
18.10 «Репортаж»  
18.15 Баркамол авлод орзуси.  
18.35 «Тафсилот»  
18.55 «Ўзбектелефильм» намоиши:  
«Ўзбекистон Давлат санъат музейи хазинасидан»  
Премьера.  
19.05 «Қалқон»  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот».

21.05 «Сиёсат оламида»  
21.25 ТВ клип.  
21.35 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Камилла»  
Телесериал.  
22.05 «Солиқ ва биз»  
22.20 «Спорт, спорт, спорт»  
22.35 «Ҳаройиб ходиса»  
Бадий фильм.  
23.35 «Ахборот-дайжест»  
23.55-0.00 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 Давр.  
9.15 «Янги авлод» почтаси.  
9.30 «Анпанман»  
Мультсериал.  
9.55 Хива баҳори.  
10.10 «Сув ости экспедицияси»  
Хужжатли сериал.  
11.00 Озод юрт фарзандлари.  
11.15 Болалар экрани:  
«Сеними, шошмай тур!»  
Мультфильм.

11.35 Эрта сўнган юлдузлар.  
11.55 «Гвадалупе»  
Телесериал.  
12.35 Ёшлар овози.  
12.55 Интерфутбол.  
14.35 ТВ-анонс.  
14.40 «Рей Брэдбери театри». Сериал.  
15.05 Қишлоқдаги тенгдошим.  
15.25 «Қандай ажиб бу дунё»  
Бадий фильм.  
17.05 Кўрсатувлар дастури.  
17.10 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар»  
17.30 «Анпанман»  
Мультсериал.  
17.55 Солиқ ҳақида сабоқлар.  
18.10 Қўли гул уста.  
18.30 Автопатруль.  
18.50 Олтин мерос.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Давр-интервью.  
19.55 Кутқарув «050»  
20.10 Кўҳна оҳанглар.  
20.20 Ёшлар овози.  
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар  
20.45 «Гвадалупе».

Телесериал.  
21.30 Марди майдон.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 ТВ-анонс.  
22.45 «Буюк Амир Темур»  
Бадий фильм, 2-қисм.  
23.15 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Нокаут.  
23.40 Давр.  
23.55-0.00 Хайрли тун!

## «Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «ТТВда сериал»  
«Муҳаббат риштаси»  
17.55, 19.05, 21.55 «Экспресс» телегазетаси.  
18.15 Болажонлар экрани.  
18.30, 20.00, 21.10, 22.15 «Пойтахт»  
ахборот дастури.  
18.50 «Ижод қирралари»  
19.25 «Химоя»  
19.40 «Этикод»  
20.25 ТТВда сериал.  
«Мафтунокор аёл»  
21.30 «Ҳамшаҳарлар»  
22.45 Кинонигоҳ.

«Қабутар қанотлари»  
0.20-0.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

## «Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ  
6.30-8.00  
16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 «Синюшканинг кудуғи»  
Болалар учун фильм.  
16.30 «Вести»  
16.45 «Дунёнинг янги мўъжизалари»  
17.10 «Евроныйос»  
янгиликлари.  
17.25 «Сати»  
Л. Гурченко.  
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини»  
Сериал.  
19.00 «Абба» концерт дастури.  
20.00 «Время»  
20.40 «Ўзга ҳаёт»  
Сериал.  
21.45 «Бизнес ревью»  
21.50 «Ҳинд оҳанглари»  
22.10 FCN Ўзбекистон янгиларлари (инглиз тилида)  
22.20 Кинематограф.  
«Хизматкорнинг онаси»  
Бадий фильм.

фильм.  
23.50 «Ахборот»  
0.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши.  
9.05, 15.00, 17.40, 20.45 «Телехамкор»  
9.30, 14.10 Болалар соати.  
10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар»  
Сериал.  
10.40 «Дам олиш дастури»  
11.10 «Сирларимиз ёзи»  
Сериал.  
12.00 «Капитан Грантни излаб»  
5-серия.  
13.30 «Яго, зулмат эхтироси»  
Телесериал.  
15.00 Телешоу.  
16.00 «30-канал»да спорт.  
16.50 «Телба дунё»  
Хужжатли сериал.  
18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Марабунта»  
19.30 «Ошиқона»  
Мусиқий дастур.  
19.45 «Химоя ҳуқуқи»  
Сериал.  
21.05 «Клип-совга»  
Телетабринома.  
21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»  
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Улим тарқатувчи ерлар»  
23.15 «Рестлинг титанлари».

## Chorshanba

9

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот»  
8.35 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
9.00 «Кизил гул»  
Мультфильм.  
9.40 «Соғлом она – соғлом бола»  
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиларлар  
10.05 «Тафсилот»  
10.25 «Соҳибжамол Ойсулов ҳақида ривоят»  
Бадий фильм.  
11.40 «Баркамол авлод орзуси»  
12.05 «Тўрғай»  
Фольклор-этнография ансамблининг концерти.  
12.30, 13.55 ТВ анонс.  
12.35 Амир Темур таваддуд топан кунга.  
А. Орипов.  
«Соҳибкирон»  
Спектакль. 1-қисм.

14.10 «Талабалик йилларим»  
14.30 «Остонаси тиллодан»  
14.50 «Мухлис ёхуд кўшиқ изидан»  
15.05 «Ягона оилада»  
15.35 «Камилла»  
Телесериал.  
16.05 «Бу ажиб фасл»  
Телеальманах.  
«Болалар сайёраси»:  
16.25 1. «Сехрли ҳарфлар оролчаси»  
2. «Кизикарли учрашувлар»  
17.25 «Иктидор»  
Интеллектуал уйин.  
18.10 «Хунарманд»  
18.30 «Умид»  
Телелотерея.  
19.00 «Олтин мерос»  
19.10 «Истеъмолчи»  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 «Бир жуфт кўшик»  
20.30 «Ахборот»  
21.05 «Тараққиёт

уфқлари»  
21.25 «Ўзбектелефильм» намоиши:  
«Қошона»  
22.05 «Парламент вақти»  
22.25 ТВклип.  
22.35 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Камилла»  
Телесериал.  
23.05 «Ахборот-дайжест»  
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 Давр.  
9.15 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар»  
9.35 «Анпанман»  
Мультсериал.  
10.00 Давр-интервью.  
10.15 ТВ-анонс.  
10.20 «Сув ости экспедицияси»  
Хужжатли сериал.  
11.10 Солиқ ҳақида сабоқлар.  
11.25 Ёшлар овози.  
11.45 «Гвадалупе»  
Телесериал.  
12.25 «Ёшлар» телека-

налида спорт дастури: 1.Нокаут. 2. Теннис.  
13.30 Автопатруль.  
13.50 Жаҳон жуғрофияси.  
14.40 «Меҳр кўзда»  
Мактубларга шарҳ.  
15.00 «Рей Брэдбери театри». Сериал.  
15.25 Кўрсатувлар дастури.  
15.30 Ҳазина.  
15.45 «ФИФА» (Футбол ичида, футбол атрофида)  
16.05 Осиё чемпионлар лигаси ярим финал «Бек Тиро Сасана» (Таиланд) – (Пахтакор) Таиланддан олиб кўрсатилди.  
Танафус пайтида – (16.50) ва уйин тугагач (17.50) «ФИФА»  
18.00 «Янги авлод» студияси: «Оқ қабутар»  
18.25 «Анпанман»  
Мультсериал.  
18.50 Олтин мерос.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 Спурт.  
20.00 Спортлото.  
20.10 Соҳибкирон

ёди.  
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар  
20.45 «Гвадалупе»  
Телесериал.  
21.30 Ёшлар овози.  
21.50 Олтин мерос.  
22.00 Давр.  
22.40 ТВ-анонс.  
22.45 «Буюк Амир Темур»  
Бадий фильм, 3-қисм.  
23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол.  
Танафус пайтида – 0.00 Давр.  
1.00-1.05 Хайрли тун!

## «Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.  
17.20 «ТТВда сериал»  
«Муҳаббат риштаси»  
17.55, 19.15, 22.10 «Экспресс» телегазетаси.  
18.15 «Болажонлар экрани»  
18.30, 20.00, 21.10, 22.30 «Пойтахт»  
ахборот дастури.  
18.50 «Мусиқий меҳмонхона»  
19.35 «Аёл – она, мураббий, раҳбар»  
телеклуби.

20.25 ТТВда сериал.  
«Мафтунокор аёл»  
21.30 «Бибиҳоним»  
Хужжатли фильм.  
21.40 «Мушоҳада»  
22.55 Кинонигоҳ.  
«Такдир уйини»  
0.40-0.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

## «Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ  
6.30-8.00  
16.00 Кўрсатувлар тартиби.  
16.05 «Вести»  
16.20 «Ўз-ўзига режиссёр»  
17.05 «Евроныйос»  
янгиликлари.  
17.25 Е. Петросяниннинг «Кулгу панорамаси»  
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини»  
Сериал.  
19.00 «Мусиқий серпантин»  
20.00 «Время»  
20.40 «Ўзга ҳаёт»  
Сериал.  
21.45 «Бизнес ревью»  
21.50 «Спорт технологияси»  
22.05 «Муз зоне»  
22.20 Кинематограф.  
«Ашврий дилил»  
Бадий фильм.

23.40 «Ахборот» (рус тилида)  
0.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши.  
9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор»  
9.30, 14.10 Болалар соати.  
10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар»  
Сериал.  
10.40, 16.00 «30-да спорт»  
11.10 «Сирларимиз ёзи»  
Сериал.  
12.00 «Капитан Грантни излаб»  
6-серия.  
13.30 «Яго, зулмат эхтироси»  
Телесериал.  
15.00 Телешоу.  
16.00 «30-да спорт»  
16.50 «Телба дунё»  
Хужжатли сериал.  
18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Тан соқчиси»  
19.30 «Ошиқона»  
Мусиқий дастур.  
19.45 «Химоя ҳуқуқи»  
Сериал.  
21.05 «Клип-совга»  
Телетабринома.  
21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»  
21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Вегасдаги таътилар»  
23.15 Спорт дастури.

## Payshanba

10

## «Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.35 «Ахборот»  
8.35, 17.55 ТВ маркет.  
8.40 Газеталар шарҳи.  
«Болалар сайёраси»:  
9.00 1. «Сехрли ҳарфлар оролчаси»  
2. «Кизикарли учрашувлар»  
10.00, 12.00, 14.00,

18.00 Янгиларлар  
10.05 «Хунарманд»  
10.25 «Дала ҳовли»  
Бадий фильм.  
11.45 «Истеъмолчи»  
12.05 «Бу ажиб фасл»  
Телеальманах.  
12.25 «Тараққиёт уфқлари»  
12.45 «Симфоник мусика дунёси»  
13.00 А. Орипов.  
«Соҳибкирон»  
Спектакль. 2-қисм.  
14.10 «Парламент вақти».

14.30 «Мувоzanат»  
14.50 «Яхши-ёмон йигитлар»  
Телесериал (яқунловчи серия)  
15.35 «Моҳият»  
15.55 Мусиқий танафус.  
16.05 «Камилла»  
Телесериал.  
«Болалар сайёраси»:  
16.35 1. «Болалиқнинг мовий осмони»  
2. «Бешбармоқ»  
3. «Юғрамиз-чопамиз»  
17.35 «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!»  
18.10 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари»  
18.35 «Бир умр ҳамоҳим»  
Спорт дастури.

18.55 Бир жуфт кўшиқ.  
19.05 «Инсон ва қонун»  
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.00 Оқшом эртақлари.  
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиларлари» (инглиз тилида)  
20.30 «Ахборот»  
21.05 Телемулоқот.  
21.45 ТВ клип.  
21.55 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Камилла»  
Телесериал.  
22.25 «Спорт, спорт,

спорт»  
22.40 «Ахборот-дайжест»  
23.00 «Эртақлар тарқатган дара»  
Бадий фильм.  
0.15-0.20 Ватан тимсоллари.  
«Ёшлар» телеканал

8.55 Кўрсатувлар дастури.  
9.00 Давр.  
9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ қабутар»  
9.35 «Анпанман»  
Мультсериал.  
10.00 ТВ-анонс.  
10.05 «Сув ости

экспедицияси»  
Хужжатли сериал.  
10.55 Спорт-қитъаси (рус тилида)  
11.25 Чемпион сирлари (рус тилида)  
11.45 Ёшлар овози.  
12.05 «Гвадалупе»  
Телесериал.  
12.45 Ҳазина.  
13.00 Интерфутбол.  
14.40 Менинг маҳаллам.  
15.00 «Вафо»  
Бадий фильм.  
16.35 Кўрсатувлар дастури.  
16.40 «Янги авлод» студияси: «Варрақлар байрами»  
17.15 «Анпанман».

Мультсериал.  
17.40 Болажон.  
17.55 Оғоҳ.  
18.10 Белида белбоғи борлар.  
18.30 Табобат оламида.  
18.50 Олтин мерос.  
18.55, 21.55 Иқлим.  
19.00 «Давр»  
19.35 ТВ-анонс.  
19.40 «Давр»-интервью.  
19.55 Кўҳна оҳанглар.  
20.00 Ёшлар овози.  
20.20 Жаҳон мусика хазинасидан.  
20.25 Европа тиклаши ва тараққиёт банки бошқа-

15.00 Телешоу.  
16.00 «30» да спорт.  
16.50 «Телба дунё»  
Хужжатли сериал.  
18.00 «30-канал» киноқошмоми: «Багер Ванснинг афсонаси».  
19.30 «Ошикона». Мусикий дастур.  
19.45 «Химоя ҳуқуқи». Сериал.  
21.05 «Клип-совга». Телетабриқнома.  
21.20 «Хайрли тун, чакинтойлар!». 21.30 «30-канал» киноқошмоми: «Оловли бурон».  
23.15 Спорт дастур.

гилдирак». 21.55 «Менинг марсилик дустим». Бадийи фильм. 23.40 «Ахборот» (рус тилида) 0.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30-канал**

9.00 Дастурнинг очи-лиши. 9.05. 17.40. 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнжерс ёки кучли рейнжерлар» Сериал. 10.40 «Харакатдаги сайёра». 11.10 «Сирларимиз ёзи». Сериал. 12.00 «Эокаллар». Комедия. 13.30 «Яго, зулмат эхтироси». Телесе-риал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30 да спорт». 16.50 «Телба дунё». Хўжхатли сериал. 18.00 «30-канал» да ринг кироёллари. 18.50 Юмор дастури. 19.30 «Ошико-на». Муסיкий дастур. 19.45 «Химоя хукуки». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабрикно-ма. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшо-ми: «Ой пойгачиси» ке-маси». 23.15 Спорт дастури.

билан бирга». 22.00 Кинематограф. «Истиқомат ҳуқуқи». Бадийий фильм. 23.45 Ахборот (рус тилида) 0.20 «Тунигиз осуд бўлсин!»

**30-канал**

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.45, 20.45 «Телеҳамкор». 9.30 «Деннис-шумтака». Мультисериял. 10.00 Болалар учун фильм. 11.30 «Жониворларнинг аjoyиб олами». 12.00 Оилавий кино. «Сехрли пуфаклар». 13.40 «Дискавери соати». 14.30 Ҳинд киноси. 17.00 Телеўйин. 18.10 «30-канал» кинооқшоми: «60 секундда ўғирлаш». 19.45 «Ошиқона». Мусликий дастур. 20.00 «Вовочка». Сериал. 20.30 «Клип-совга». Телеабрикнома. 21.05 «Ўрта Ер денгизи». Сериал. 22.00 «30-канал»да кинооқшом. «Миссия». 23.45 Мусликий дастур.

жанги. Юрий Романов – Стив Мюррей.

0.10 «Тахлилнома» (рус тилида)

0.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30-канал**

9.00 Дастурнинг очи-  
лиши. 9.05, 11.30,  
17.45, 20.45 «Телехам-  
кор». 9.30 «Деннис-  
шумтака». Мультисери-  
ал. 10.00 Болалар учун  
фильм. 12.00 Оилавий  
кино. «Сирли орол».

13.40 «Дискавери со-  
ати». 14.30 Кундузги  
кинозал. «Садоқатли  
қалб». 16.10 Дам олиш  
дастури. 16.40 Муси-  
кий дастур. 17.00 Те-  
леуин. 18.10 «30-ка-  
нал» кинооқшоми: «У  
ўлиши керак». 19.45  
«Ошиқона». Мусикий  
дастур. 20.00 «Агент-  
лик». Ҳажвий сериал.  
20.30 «Клип-совга».

Телетабриқнома. 21.05  
«Урта Ер денгизи». Се-  
риал. 22.00 «30-  
канал» да яқшанба ки-  
нооқшоми. «Қонхўр-  
нинг сояси». 23.40  
Спорт шаҳри.

7 апрель – Жаҳон Саломатлик куни

## СОҒЛИҒИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

*Хар йили баҳор фаслида бутун дунёда ва хусусан мамлакатимизда 7 апрель Саломатлик куни сифатида кенг нишонланади. Бу гал ҳам мазкур санага бағишлаб жойларда қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Ҳўш, уларнинг моҳияти нимадан иборат? Саломатлик институти Тошкент вилоят филиали директори Мавжуда Эргашова муҳбири-мизга шу ҳақда сўзлаб берди.*

– Хар бир даврининг ютуқлари билан бирга, ўзига яраша муаммолари ҳам бўлади. Кейинги вақтларда бутун ер юзиде юқумли касалликлар кенг тарқалаётганлиги кишини ташвишлантирмоқда. Жаҳоннинг ўнлаб минтақаларига ўта хавфли хасталиклар таҳдид солаёпти. Юқумли касалликлар хар йили юз минглаб одамларнинг бевақт ўлимига сабаб бўлаётир. Ибн Сино халқаро жамғармаси, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва бошқа турли ташкилотлар билан ҳамкорликда шаҳар ва туманлардаги ўқув муассасалари ҳамда бевосита маҳаллаларда уюштирилаётган тадбирларимизда касални даволадан кўра, унинг олдини олиш осонроқ эканлигини тушунтиришга ҳаракат қилаёғимиз. Бу фикрни қарийб беш минг йил аввал ёзиб қолдирилган манбаларда ҳам учратиш мумкин экан. Бинобарин, тиббиёт соҳасида эришилган ютуқлар қанчалик катта бўлмасин, эҳтиёткорлик ҳеч қачон зиён қилмаслигини ёдда тутмоқ керак.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖСТ) ҳисоботида ҳам бу фикр илгари сурилган. Яъни, жаҳон миқёсида тиббиёт соҳаси жуда катта ютуқларга эришган. Шу сабаб ҳам илгари даволаб бўлмайдиган аксарият касалликларни энди нисбатан осон енгса бўлади. Шунга қарамай, умумий равишда олинса, дунё аҳолисининг саломатлигини жуда яхши деб бўлмайди. Бунинг асосий сабаби кўпчилик хасталикларнинг олди олинмаётганидир.

ЖСТнинг 2002 йилги ҳисоботида мутахассислар дунёнинг деярли барча минтақаларидаги вазиятни батаф-

сил ўрганиб, инсоният учун хавф туғдираётган асосий касалликлар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, мазкур иллатларга қарши кураш ва жаҳон аҳолининг саломатлигини яхшилаш усуллари тўғрисида батафсил маълумотлар тўплаган.

Ҳисобот муаллифларининг фикрича, дунё аҳолисининг саломатлигини яхшилаш учун ҳаддан ташқари катта маблағ сарфлашнинг ҳожаги йўқ. Яъни асосий касалликларга қарши курашиш, уларни бартараф этиш учун дори-дармон, турли асбоб-ускуналар харид қилиш шарт эмас. Фақатгина инсонлар ҳаётига зомин бўлаётган касалликларни келтириб чиқарувчи салбий ҳолатларни аниқ кўрсатиш ва одамларни улардан эҳтиёт бўлишга ундаш, керак бўлса, турли йўллар билан рағбатлантириш кифоя.

ЖСТ маълумотларига қараганда, ҳозирги кунда бир қатор салбий ҳолатлар инсоният саломатлигининг ёмонлашишига сабаб бўлмоқда. Уларнинг орасида энг хавфлилари сирасига вазн етишмаслиги, химояланмаган жинсий алоқа, юқори қон босими, сигарет чекиш, алкоголь ичимликлар истеъмол қилиш, тоза ичимлик сувининг камёблиги, одам организмда темир тақчиллиги, ҳаддан ташқари семириб кетиш ва ҳоказо ҳолатлар қиради. Одамларнинг учдан бири мана шу салбий ҳолатлар оқибатида келиб чиқувчи касалликлар туфайли вафот этади.

Тадбирлар мобайнида биз тавсия этаётган эҳтиёт чоралари ва усулларнинг атиги бир қисми ҳаётга татбиқ этилса, кўплаб инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкинлигини тушуниб олиш қийин эмас.

## НОМАЪЛУМ КАСАЛЛИК КЎЛАНКАСИ



*Март ойининг бошларида Хитой жануби ва унга чегарадош мамлакатларда янги турдаги касаллик аниқланган эди. Ўтган давр мобайнида мутахассислар касаллик тарқалишининг олдини олиш учун қатор чораларни кўрди. Бироқ уларнинг самараси унчалик сезилмаяпти. Касаллик вирусининг сайёрамиз бўйлаб тарқалаётгани эса дунё ҳамжамиятини ташвишга солмоқда.*

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, айни вақтгача дунёдан 70 нафарга яқин бемор ушбу хасталикнинг қурбони бўлган. Касаллик аломатлари аниқланган беморлар сони эса бир ярим мингдан ошиб кетган.

ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси берган хабарда айтилишича, Хитойнинг жанубий вилоятлари, Сянган (Гонконг), Сингапур, Вьетнам ва Таиландда аҳвол анча мураккаб. Сянган маъмурияти касаллик вируси кенг тарқалган туманлардаги аҳолини вақтинча хавфсиз жойларга кўчиришга қарор қилган. Уйлар ва жамоат жойларида вирусга қарши тозалаш ишлари ўтказилмоқда.

Номаълум касаллик нафақат Осиё, балки Америка ва Европадаги қатор мамлакатларга ҳам кўланка ташламоқда. Германия, Франция, Швейцария, Буюк Британия, Италия каби мамлакатларда касаллик аломати сезилган беморлар дарҳол даволаш муассасаларига ётқизилаётир.

АҚШда етмишга яқин одам шифокор назоратига олинган. Мамлакат ҳукумати Хитойнинг жанубий вилоят-

лари, Сянган ва Гуанчжоуда ўз дипломатлари ва ишчилари сонини камайтиришини маълум қилди.


Канадада вазият кун сайин мураккаблашмоқда. Дастлаб бу ерда мутахассислар икки яшар болада касаллик аломатини аниқлаган эди. Ҳозирга келиб 130 кишининг хасталикка чалингани маълум бўлди. Улардан олти нафари ҳаётдан кўз юмган.

Мамлакат соғлиқни сақлаш вазири Энн Маклелланнинг таъкидлашича, айни пайтда мамлакатдаги халқаро аэропортларда назорат ишлари бошлаб юборилган. Хасталик кенг тарқалган ҳудудлардан келаётган йўловчилар аэропортнинг ўзидаёқ шифокор кўригидан ўтмоқда.

Ўткир пневмонияга ўхшаш бу турдаги касаллик ҳали тиббиёт тарихида учрамаганди. Хасталик дастлаб италиялик шифокор Карло Урбани томонидан Хитойнинг жанубий ҳудудларида аниқланди. Шифокорнинг ўзи ҳам яқинда шу касалликнинг қурбони бўлган.

**Фазлиддин АРЗИЕВ,**  
ЎЗА шарҳловчиси.

## ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ



Немис тили кафедраси катта ўқитувчиси,  
Француз тили кафедраси катта ўқитувчиси ва  
доценти,  
Микро-макроиқтисодиёт кафедраси доценти,  
Информатика ва информацион технологиялар  
кафедраси катта ўқитувчиси,  
Фалсафа ва жаҳон маданияти кафедраси катта  
ўқитувчиси,  
Жисмоний тарбия кафедраси катта ўқитувчиси  
лавозимларига  
**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Ҳужжатлар (ариза, фотосуратли шахсий варақа, таржимаи ҳол, олий маълумот, илмий даража ва унвонлар ҳақидаги дипломларнинг нусхалари, илмий ишлар рўйхати) ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида —  
**Тошкент 700137, Буюк Ипак йўли, 54-манзилда қабул қилинади. Телефон: 67-17-20.**

Тошкент вилоят ҳокимлиги, Ангрен шаҳар ҳокимлиги ва Тошкент вилоят давлат педагогика институти 2003 йилнинг 15 апрель куни институт бош биносида соат 10.00 дан 15.00 га қадар

**«Тошкент вилоятидаги мактаблар, академик лицейлар ва коллежлардаги педагогик кадрлар таъминоти муаммолари»**

**МАВЗУСИДАГИ МИНТАҚАВИЙ СЕМИНАР-КЕНГАШНИ ЎТКАЗАДИ.**

Семинар-кенгашга вилоятдаги шаҳар ва туман ХТБ мудирлари ва барча қизиқувчилар таклиф этилади.



**Бизнинг манзил:**  
Ангрен шаҳри, 48-даҳа,  
1-«В» уй. Ректорат.  
**E-mail:** tydpi@online.ru  
**Телефонлар:** (8.266)  
2-24-89, 2-25-17, 2-36-30.



## РИО ВАКИЛЛАРИ САФАРИ

Лотин Америкасида РИО гуруҳи деб аталадиган халқаро ташкилот бор. Унга жаҳондаги 19 мамлакат аъзо. Кунинча Бразилия, Коста-Рика ва Перунинг ташқи сиёсий маҳкамалари бошлиқлари Москвага ташриф буюрдилар. РФ президенти В.Путин билан бўлган учрашувда РИО вакиллари ер юзидаги оловли нуқталарнинг жаҳон иқтисодиётига ва нефть бозорига таъсири каби масалаларни муҳокама қилдилар.

## СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Шимолий Корея кемаларга қарши ракета синовини ўтказди. Киодо Цусин ахборот агентлиги ана шундай хабар тарқатди. Пхеньяннинг ракета дастури Японияни ташвишга солмоқда. Чунки, 1998 йилда Шимолий Кореяга қарашли «Тэпхон-1» ракета-си кунчиқар давлат устидан ўтиб, океанга қулаган эди. Ташвишнинг боиси бор. Зеро, юқоридаги рекеталар ядровий қурол олиб юриш имкониятига эга.

## ЭХРОМЛАР ҲУДУДИДА

Мисрнинг баҳайбат эҳромлари ҳудудида изланиш ишларини олиб бораётган қадимшуносларга омад кулиб боқди. Америкалик мутахассислар энг катта эҳромдан 500 метр жануброқда ер остида қолган ишхона биносини топдилар. Кўринишдан Хефрен ва Микерин фиръавнлари эҳромлари қурилишининг бориши ушбу жойдан туриб бошқарилган. Тўрт ярим минг йиллик ёшга кирган бино ичидан мис асбоблари ва меҳнат билан банд бўлган ишчиларнинг рўйхати, омборхона, новвойхона, фиръавнлар номи битилган 250 та лой муҳрлар, 2 минг киши тунайидиган ҳобхона ва бошқа асори-атиқалар топилди.

## ЕР КЎЧГАНИ ЁМОН

Узлуксиз ёмғир ёғишлари кўпинча кўнгилсиз вазиятлар келтириб чиқаради. Боливиянинг кончилар маскани Чима шахрида юз берган фожа бунинг исботидир. Қутилмаганда ернинг кўчиши содир бўлди. Натижада 700 киши бедарак йўқолди, 400 дан зиёд уй вайронага айланди. «РИА Новости» агентлиги мухбири бу воқеа ҳақида гапирар экан, айни пайтда ҳодиса юз берган ҳудудга иккита қутқарув гуруҳи ва махсус техникалар юборилганлигини хабар қилди. Қутқарувчилар туну кун тинимсиз ишламоқдалар. Улар харобалар тагида қолган кишиларни чиқариб олиш илинжида ҳатто дам олиш учун уйлари ҳам бормаётирлар.



Голландиянинг миллий тахта оёқ кийими.

## БИБИМАРЯМ ГАПИ БИЛАН

Кишиневда чоп этиладиган «Новое время» газетасининг ёзишча, яқингача «Молдпресс» давлат ахборот агентлигини бошқарган, илгари Молдованинг биринчи президенти Мирча Снегурнинг матбуот котиби бўлган Дмитрий Цира ҳаммани лол қолдирди. У ўзи туғилиб ўсган Совроқск уездининг Рошетич қишлоғида черков қуришга аҳд қилди. Унинг айтишича, тушига Бибимарям кириб, шу ерда бутхона барпо этишни буюрибди. Ҳозир қурилиш кетяпти. Унинг қуббаси 22 метр баландликда бўлади. Ибодатхонанинг очилиш маросими 8 ноябрга мўлжалланмоқда.



## ҚЎЛ ЖАНГИ УСТАЛАРИ

Хитойнинг Суншандаги Шаолин ибодатхонаси дунёда машҳур. Зеро, бу ерда қуролсиз олишув услуби кунфуга ўқитилади. Минг йилдан кўпроқ вақтдан буён фаолият кўрсатаётган ушбу мактабнинг талабаларигина ушбу санъат сирларини биладилар. Бу сир ҳаммаша устозлардан шоғирдларга ўтади. 1988 йилда ибодатхонадан 700 метр узоқликда ушу бўйича сарой қурилди. Мактаб ўқувчилари ўз маҳоратларини намойиш этиш мақсадида Ер қуррагининг 40 мамлакатидан бўлдилар. Яқинда улар Москвага ташриф буюришди. Бу тадбир ХХР маданият вазирлиги ҳамда Хитойнинг Россиядаги элчихонаси томонидан ташкил этилди. Совуқ қурол билан жанг қилишлар, ёғоч-тахталар, пўлат парчаларини бошда синдиришлар каби чиқишлар ҳаммани ҳайрон қолдирмоқда.



## «ХАЛҚАРО КОАЛИЦИЯНИНГ МАҚСАДИ АНИҚ ВА ТУШУНАРЛИ»

*Ироққа қарши ҳарбий ҳаракатлар бошланганига икки ҳафта бўлди. ЎЗА мухбирининг АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Хёрбст билан суҳбати шу мавзуга бағишланди.*

— Халқаро коалициянинг ҳаракатлари учун ҳуқуқий асослар етарли ва аниқ, — деди элчи. — 1991 йили Ироқ билан БМТ ярашув ҳақида ҳужжат имзолаган ва урушга барҳам берилган. Ушанда БМТ Бағдод олдида қатор талабларни қўйган. Яъни, Ироқ БМТ билан ҳамкорлик қилиб, ўзидаги барча оммавий қирғин қуролларидан воз кечиши керак эди. Ушбу воқеадан кейин БМТ Хавфсизлик кенгаши Ироққа нисбатан 17 та резолюция қабул қилди. Охириги 1441 резолюция бундан тўрт ойча аввал қабул қилинган эди. Ушбу резолюцияларнинг барчасида Ироқдан қуролсизланиш талаб қилинган. Бирок, Ироқ ушбу ҳужжатларнинг бирортасига ҳам амал қилмади. Ироқнинг бундай йўл тутиши халқаро коалиция ҳарбий ҳаракатларни бошлашига ҳуқуқий асос бўла олади.

Ушбу операция Ироқни қуролсизлантириш учун бошланди. Чунки, у 12 йил давомида қуролдан воз кечмади. Мазкур ҳарбий операциядан кўзланган яна бир мақсад Ироқ халқини Саддам Хусайн тузумидан озод қилишдир.

— Уруш ҳаракатлари бошланиши арафасида ҳарбий коалицияни қўллаб-қувватлаётган давлатлар ўттизга яқин эди. Яқинда АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл баёнот бериб, коалицияни қўллаб-қувватлаётган мамлакатлар сони ҳозир олтимишдан ошганини айтди...

— Ироқ масаласи кўп баҳсларга сабаб бўлгани маълум. Бир томондан АҚШ, Буюк Британия, Испания ва бошқа давлатлар Ироқни қуролсизлантириш учун ҳарбий чора кўриш тарафдори бўлди. Иккинчи томондан, қатор давлатлар бунга қарши чиқди. Ҳарбий операция бошлангач, халқаро коалициянинг мақсадини тўла тушуниб етгач, уни қўллаб-қувватловчи мамлакатлар сони ортди.

Шу ўринда бир гапни алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбекистон билан АҚШ хавфсизлик борасида жуда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бунда мамлакатингиз Президенти Ислам Каримовнинг улкан ҳисаси борлигини алоҳида қайд этмоқ керак. Ўзбекистон билан АҚШнинг кўп масалаларда қарашлари ҳам ҳамоҳанг. Ўзбекистон анча йиллардан буён халқаро террорчиликка қарши курашиб келади ва бу борада АҚШ билан ҳамкорликда кўп ишларни амалга оширди.

— Саддам Хусайн ҳокимиятдан четлаштирилгандан кейин Ироқда қай даражада

ва қанча вақтда очиқ демократик жамият шаклланади, деб ўйлайсиз?

— Мақсадимиз аниқ ва тушунарли. Саддам Хусайн тузуми ағдарилгандан кейин Ироқда очиқ ва демократик тамойилларга асосланган жамиятни, янги давлатни кўришдир. Биз Ироқнинг ҳудудий яхлитлиги сақлаб қолиниши ва барча фуқаролар, миллатидан қатъи назар, тинч ва осойишта яшашининг тарафдоримиз.

— Уруш ҳаракатларини ёритаётган оммавий ахборот воситаларининг фаолияти ҳақида нима дея olasиз?

— Айрим мамлакатлар оммавий ахборот воситалари воқеаларга ҳолис ёндашмапти. Масалан, улар жамоатчилик диққат-

этиборини Ироқда тинч аҳоли қурбон бўлаётганига кўпроқ қаратишга ҳаракат қилмоқда. Масаланинг туб сабаблари ва моҳиятидан кўз юмаяпти. Мисол учун, Ироқ ҳарбийлари тинч аҳоли яшайдиган биноларга, касалхоналарга жойлашиб олган. Демак, Саддам Хусайннинг ўзи тинч аҳоли бомбардимон қилишини истайди. Нохолис оммавий ахборот воситалари Саддам Хусайн тинч аҳолидан тирик қалқон сифатида фойдаланиб, аёллар ва болаларни олов гирдобига ташлаётганига кам эътибор қаратаётир. Ироқ полицияси аскарларни мажбурлаб жангга киритмоқда. Умуман, Саддам Хусайннинг мамлакатни террор йўли билан бошқараётганига етарли эътибор қаратилмапти.

— 11 сентябрь фожеасидан кейин дунё ҳамжамияти жипслашиб, халқаро террорчиликка қарши кураш бошланди. Афғонистонда халқаро террорчилар уясига барҳам берилди. Айтинг-чи, Ироқдаги урушни Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларнинг манتيкий давоми, дейиш мумкинми ёки улар бир-биридан фарқ қиладилми?

— Ироқдаги воқеаларнинг, албатта, Афғонистон воқеаларидан фарқи бор. Бирок умоларин бир-бирига ўхшаш умолари ҳам йўқ эмас. Тўғри, халқаро ҳамжамият 11 сентябрь фожеасидан кейин халқаро террорчиликка қарши курашда бирлашди. Лекин бир ҳолни унутмаслигимиз керак. Афғонистонда ҳарбий ҳаракатлар бошланганида ҳам тинч аҳолининг қурбон бўлаётганини, урушни тўхтатиш лозимлигини айтганлар бўлган эди. Шунинг таъкидлашнинг истардимки, Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар режадагидек кетмоқда. Айрим мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари эса шу ҳақда ҳолис ахборот беришни истамаяпти.

— АҚШнинг Ироққа қарши уруш бошлашига нефть сабаб бўляпти, деган гаплар ҳақида нима дейсиз?

— Бу гапларнинг бирортаси етарли асосга эга эмас. Албатта, Ироқ нефтининг муҳимлигини, айниқса, унинг Ироқ халқи учун қай даражада катта аҳамиятга эга эканлигини яхши тушунамиз. Шунинг учун ҳам жанг бўлаётган ҳудудларда нефть конлари Ироқ ҳарбийлари томонидан ёқиб юборилишининг олди олинмоқда. Ироқ нефти Ироқ халқига хизмат қилиши керак. Ҳозир конлар жойлашган ҳудудларни коалиция қучлари ўз назоратига олган.

ЎЗА мухбири.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).



## «Аския-2003» кўргазмасы

Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўргазмалар залида «Аския-2003» расмлар кўргазмасы очилди.

Аския - халқимиз қадимдан эъзозлаб келадиган сўз санъати турларидан бири. Ҳаётнинг пасту баландини оқиллик билан ҳажвга солувчи Насриддин Афанди сиймоси аждодларимизнинг ушбу йўналишдаги тафаккури маҳсулидир.


Аскиячилик анъаналари асосида яратилган графика, ранг-тасвир, халқ амалий санъати асарлари томошабинларда катта таассурот уйғотмоқда.

**Б.ХИДИРОВА,**  
ЎЗА мухбири.

### Қатра

Бундай кунда ҳайратланмай бўладими?! Навбахорнинг ташрифи борлиққа гўзаллик, дилларга сурур бағишлади. Ўнгу сўлингизга бир қаранг, чор атрофда гуллаган дунё. Баҳор табиати қизиқ-да, боягина мовий осмондаги офтоб тафти оламни илтифат қилса, ҳозир шундоққина бошингиз устида қоп-қора булутлар... Мана, чақмоқ қақиб, момақалдироқ гулдиради. Ёмғир ёға бошлади. Осмон йиғлаётганга ўхшайди. Усти-

нинг ўз диди, севган ранги бор. Биров оқ рангли кийимларни хуш кўрса, бошқаси қизил рангга ўч. Рангларнинг тинчлантирувчи, кайфиятни кўтарувчи, инсон руҳиятига таъсир қилувчи хусусиятларга эгалигини ўйласак, баҳор фаслининг табиати шифо манбаи эканлигига шубҳа қолмайди.



бошингизни шалаббо қилиб кетган ёмғир тиниб, кўкка камалак чиқди.

— Одамлар рангларни қандай ўйлаб топишган? Қизил, сариқ, яшил, кўк... Рангли қаламларимнинг ранги нимадан олинган? Аям тортга ишлатадиган бўёқни нимадан тайёрлайди-лар? — деб сўрайди Дилдора синглим.

— Ана, Ҳасан-Хусан камалакка қара, — дейман унга. Кейин камалакнинг ям-яшил бугдойзор билан тутшиб кетгани, осмоннинг мовий ранги, дов-дарахтларнинг шох-шаббаларини безаб турган нимпушти гуллар эътиборимни тортади. Беихтиёр, «Топдим, камалакдан кўчиришган экан-да» деб суюнаётган синглимга қўшилиб, одамзот маҳлиё бўлган рангба-ранг олам ўйлаб топилган кашфиёт эмас, шунчаки бир мўъжиза эканлигини сезиб қоламан. Ойнинг сувдаги аксига термулиб, «Оймомони кўрдим» деган болакайга ўхшаб қолаётгандекмиз. Ҳамма-



Ёмғирдан кейин ҳаво тиниклашади. Нафас олиб тўймайсиз. Айниқса, замин узра таралаётган ялпиз ҳиди баҳор чечаклари, тупроқнинг иси билан аралашиб кетгандек бўлади. Бошқа вақтда, бошқа бирор фаслда бундай ифори қидириб тополмайсиз. Қишлоқда яшаш қандай бахт! Қанчалар бахтлимиз!

Ана, лайлақлар... Санаб кўрсам, ўнта. Одатда лайлақлар тинч, осойишта ерларни макон тутишади, гала бўлиб юриши

камнамо ҳол. Уларнинг бир жуфтини қишлоқ оралаганини кўришни севишади. Ҳайратингизни яширмасангиз ҳам бўлади. Бу йилги баҳорнинг таровати бошқача. Бир ёшга улғайдингиз, ахир узун киш тунлари баҳорни соғинмаганмидингиз?

Ана турналарнинг овозини эшитинг. Шу кунларни кўраётганингизга қувонинг. Ахир бу кунларга етганлар бор, етмаганлар ҳам...

**Гулбаҳор ОРТИҚҲҲАЕВА.**

## Sport

### Футбол

## БЕЛАРУСЬ-ЎЗБЕКИСТОН 2:2

Мамлакат терма жамоаси «Хитой-2004» Осиё ўйинларига тайёргарликни бошлаб юборди. Унинг таркиби «Пахтакор» ўйинчиларидан фақат Андрей Власичев. Россия ва Козогистон клубларида қатнашаётган легионерлардан иборат.

Ўйиннинг дастлабки дақиқалари Беларусь терма жамоаси футболчилари устунлигида ўтди ва улар 26-дақиқада ҳисобни очишга муваффақ бўлдилар.

Иккинчи бўлимда ҳисоб 0:2 бўлгач, мамлакатимиз футболчилари майдонда фаол

ҳаракат қилиб, ўйинни тенглаштирдилар. Ниҳоят, Александр Хвостунов ҳужумларнинг бирини самарали яқунлади, Александр Гейнрих иккинчи жавоб тўпини киритди. Ўйиннинг охиригача 2:2 ҳисоби сақланиб қолди.

## ТҮРТ ЎЙИНДА ТҮРТ ҒАЛАБА

Мамлакат 12-миллий чемпионатида ҳаммадан илгари «Пахтакор» тўрт учрашув ўтказиб, барчасини ғалаба билан яқунлади.

Улар 6 апрелга белгиланган учинчи тур ўйинини Бухорода ўтказдилар. Майдон эгалари тўртинчи дақиқада ҳисобни очишган бўлса, Бахтиёр Ҳамидуллаев уни тенглаштирди. «Бухоро» футболчилари қарши ҳужум уюштириб яна «Пахтакор»

дарвозасини ишғол қилишга эришдилар ва олдинга чиқиб олдилар. «Пахтакор» сардори Миржалол Қосимов 60- ва 74-дақиқада майдон эгалари дарвозасини аниқ нишонга олиб, 3:2 ҳисобида «Пахтакор» ғалабасини таъминлади.

### Ўзбекистон кубоги — 2002/2003

## ЧОРАК ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Кубоги мусобақаларининг 1/8 финал учрашувларида вилоятимизнинг «Дўстлик» ва «Металлург» жамоаларидан омад юз ўгирди.

Улар биринчи нимчорак ўйинида бир хил — 3:0 ҳисобида учрашувни бой берган эдилар. Кеча бўлиб ўтган жавоб учрашувда бу жамоалар яна мақсадларига эриша олмадилар. Ваҳоланки, «Металлург» ўз майдонида «Сурхон»ни 3:1 ҳисобида мағлуб этди. Лекин чорак финал йўлланмасини «Сурхон» қўлга киритди.

«Дўстлик» эса, ўз майдонида «Нефтичи»ни қабул қилди. Меҳмонларнинг киритган икки тўпига Мухтор Қурбонов ўн бир метрлик жаримадан атиги бир тўп билан жавоб берди. 2:1 ҳисобида мағлубиятга учраган «Дўстлик» ўйиндан чиқиб кетди.

Қолган нимчорак ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Насаф» — «Самарқанд-Д» — 3:0, «Қизилқум» — Навбахор — 1:0, «Сўғдиёна» — «Зарафшон»

— 4:1, «НБУ-Осиё» — «Машъал» — 0:0. «Кўкөн-1912» — «Бухоро» учрашуви эса 8 апрелда бўлиб ўтади. «Пахтакор» курашсиз чорак финалчига айланди.

Энди Ўзбекистон Футбол федерацияси 9 апрелда қуръа ташлаш йўли билан чорак финал жуфтликларини аниқлайди. Бугунги кунда саккиз чорак финалчидан 7 таси аниқ. Булар: «Пахтакор», «Нефтичи», «Насаф», «Навбахор», «Сурхон», «Сўғдиёна», «Машъал», саккизинчи чорак финалчи 8 апрелда ўтказиладиган учрашувдан сўнг маълум бўлади. Чорак финал мусобақалари ҳам «уйда» ва сафарда ўтказилади. Биринчи чорак финал учрашувлари 7 май ва жавоб учрашувлари 21 майга белгиланган.

**Талъат ЮСУПОВ.**

### Bolalik bog'i

## AQL VA BOYLIK

Bir cholning to'rt o'g'li bor ekan. Bir kuni chol:

— O'g'illarim, men qarib qoldim, — debdi, — orangizdan bittangiz oila boshlig'i bo'lishingiz kerak. Kim aqlli bo'lsa, u menga merosxo'r bo'ladi. Har qaysingiz menga aqlli va davlatli ekanligingizni ko'rsating.

Eng katta o'g'li zumrad ko'zli uzuk taqqan o'g'lini uzatib debdi: — Mana boyligim, boy odamda aql ham bo'ladi.

Ikkinchi o'g'li zarbof cho'ponini kiyib ko'rsatibdi:

— Shu paytda meni ko'rgan kishi boyligimga va aqlimga qoyil qoladi, — debdi.

Uchinchi o'g'li javohirlar qadalgan kamarini beliga bog'lab debdi:

— Hech kim umrida bunday kamarni ko'rgan emas.

Chol boshini chayqab, katta o'g'illarga bir nima demabdi. Kenja o'g'liga qarab:

— Nega sen indamaysan? Sen qaysi boyliging bilan maqtanasan? — debdi.

— Otajon, menda zumrad ko'zli uzuk ham, zarbof cho'pon ham, qimmatbaho kamar ham yo'q. Lekin, mehnatkash qo'llarim, botir yuragim, aqlli boshim bor, — debdi.

Kenja o'g'lining javobi cholg'a yoqibdi, uni merosxo'r qilibdi. Katta o'g'illari unga so'zidan chiqmaslikni tayinlabdi.

**К. EGAMBERDIYEVA**  
tayyorladi.

### Халқ табобати

## ИСМАЛОҚ

Исмалоқ барглари табобатда камқонлик ва рахит касалликлари давосига буюрилади. Гипохром, анемия, гиперацид гастрит, энтероколит билан оғриган касалларга фойда беради. Ичак анча юришмайдиган ва қорин дам бўлиб турадиган маҳалларда 10 грамм микдоридagi исмалоқ барглари бир стакан сувда қайнатиб ичиб туриладиган бўлса, ичаклар иши равланшиб, қорин дамлиги камайд.

Исмалоқдан баҳор кезлари янги қўкат тариқасида ҳам кенг фойдаланилади ва ундан ҳар хил таомлар тайёрланади. Лекин, шуни унутмаслик керакки, исмалоқдан тайёрланган таомлар уй ҳароратида бирикки кун туриб қолса, уларда нитрат тузлари пайдо бўлади. Бу тузлар қонга сўрилиб ўтиб, қизил қон таначаларига захарли таъсир кўрсатади ва тўқималарнинг озикланишини ишдан чиқаради.

Исмалоқ барглари замонавий табобатда гидролиз қилинганда, секретин деган модда ҳосил бўлиши аниқланган. Бу модда меъда безлари билан меъда ости безларининг фаолиятини кучайтириб, овқат ҳазм бўлишини енгиллаштиради.

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
ТАШКЕНТЧА ПРАВА

**Муассис**  
ТОШКЕНТ  
ВИЛОЯТИ  
ҲОКИМЛИГИ

**Бош муҳаррир**  
Фатҳиддин  
МУХИДДИНОВ

**Телефонлар:**  
Хатлар ва оммавий  
ишлар бўлими: 133-40-48.  
Эълолар:  
133-70-10, 136-53-80.

**Манзилими:**  
700000, Тошкент  
шаҳри, Матбуотчилар  
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат  
матбуот қўмитасида 8 рақами  
билан рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати»  
тахрираты компьютер  
марказида терилди ва  
саҳифоланди.

• Эълон ва билдирув-  
лардаги факт ҳамда далил-  
ларнинг тўғрилиги учун  
реклама ва эълон берув-  
чилар масъулдир.